Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 19 сентябрь • № 37 (1006)

# МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади




***Ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай давлат борки, аввало ёшлар тарбиясига катта эътибор беради. Ҳозирги вақтда юртимиз, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятларимиз етарли. Шуни ғурур билан айтиш керакки, юртимизда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган давлат харажатлари йилдан-йилга оширилиб, бу масала кенг жамоатчиликнинг асосий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугун давлат ғазнасининг қарийб 60 фоизи ушбу мақсадларга йўналтирилаётгани мамлакатимизда инсон омили нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.***




Президентимиз алоҳида таъкидланганидек, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берилаётгани мамлакатимиз катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимиз дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу дастур биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга қаратилгани учун юксак маърифатга асосланади. У таълим тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш мақсадини кўзда тутади. Шунинг учун ушбу дастур қабул қилинганидан сўнг унинг талаблари асосида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида миллий таълим тизимимиз сифат жиҳатидан мутлақо ўзгарди. Унга кўра, кўп босқичли ва узлуксиз таълим тизимига ўтилди. Бу тизим асосида юртимизда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари пайдо бўлди ва уларда бугунги кунда минг-минглаб ёшлар таълим олмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нуфузли янги университет ва ўқув марказлари ташкил этилгани ёшларимизни янада илҳомлантиради. Бу борада, айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяр экан, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш чуқур ўйланган ислоҳотларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу боис, бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳадаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиб, меҳнат бозори ва ресурсларининг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бунга яққол мисолдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий моделимизнинг ўзига хослиги шундаки, унда янгиланишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аввал, таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик жараённи олиб бориши йўлга қўйилди. **Биргина ўтган йилнинг ўзида эса 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди.** Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" деган ҳикматга амал қилинган ҳолда сўнгги 10 йилда халқ таълими тизимида 1488 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари табрик сўзларида: "Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин – билим олиш, илм-фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини араннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз ҳаммамизни қувонтиради", деганларидек, бу каби саъй-ҳаракатлар самарасини фарзандларимизнинг спорт бўладими, фан олимпиадалари бўладими – юқори натижаларни қўлга киритаётганлигида, юртимиз шарафини улуғлаётганлигида кўрмоқдамиз.

Сир эмаски, бугун чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб, ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. **Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун мультимедиа варианти илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди, 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.** Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

**Хулоса сифатида айтиш жоизки, Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган мустақил тараққиёт йўли, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга, мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Зеро, бу эзгу ишлар марказида халқимиз, ҳар бир юртдошимиз манфаатлари мужассамдир.**

Намоз **ТОЛИПОВ.**

**Ушбу сонда**

*Огоҳ бўлинг*
**ОДАМ САВДОСИ — ИНСОН ЭРКИНЛИГИГА ТАҲДИД** 2

*Хотира: яхшилар ёди абадий*
**ОЛИМЛИК ОДАМИЙЛИК БИЛАН ГЎЗАЛ** 3

*Бугуннинг мавзуси*
**ЧЕКМАСДАН ҲАЁТ ЗАВҚИНИ СУРИНГ!** 5

*2014 год – Год здорового ребенка*
**РАСПОРЯДОК ДНЯ ШКОЛЬНИКА** 7

Огоҳ бўлинг

# ОДАМ САВДОСИ – ИНСОН ЭРКИНЛИГИГА ТАҲДИД

***Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳудуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол этиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.***



Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидек ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид солмоқда. Бу билан боғлиқ жиноятлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга солаётгани айни ҳақиқат. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда уларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, «Оқ қуллар савдосига қарши кураш» номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция «Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш» ва «Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш» номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда «Инсон ҳуқуқлари» умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг «Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси», «Қуллик хусусида»ги Конвенция, «Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида»ги қўшимча Конвенция, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча баённома ҳам ратификация қилинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилнинг 17 апрелидаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда одам савдоси жиноятига қарши курашишнинг миллий қонунчилик асосларини яратиб берди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси тузилди ва ҳозирги кунда комиссия томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларни оқибатларини минималлаштириш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда амалга оширилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг марказида инсон омили турибди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун иборасининг амалиётга татбиқ этилгани ҳам бежиз эмас. Буни Юртбошимизнинг: «Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деган фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда.

Одам савдоси инсоннинг нафақат жисмоний кучини, балки унинг салоҳиятини, танасидаги аъзоларини, ҳаттоки маънавий қадриятларини ҳам бозорга солишга мажбур этмоқда.

XXI аср умумбашариятга техника асри бўлиб келди. Лекин мазкур аср даврида эришилаётган ютуқлар қаторида бир мунча, яъни қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар, одам савдолари, халқаро терроризм ва глобаллашув муаммолари юзага келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Инсонлар бойлик орттириш мақсадида ўз қариндош-уруғлари, маҳалладошларини турлича алдовлар билан Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Кореяда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб ноқонуний йўллар билан чет элга чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бундай ҳолат миллатимизнинг фожиасидир. Айниқса, бу ишларга аёлларнинг аралашганини кечириб бўлмайди.

Дунё бўйича турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабр кўрганлар сони салкам 200 миллионга етган, деб қайд қилинмоқда. БМТ маълумотларига кўра эса, ҳар йили дунёда ўртача 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили қарийб 1 миллионга яқин аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга сотиб юборилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилда республикамизда мингдан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 35-40 фоизини аёллар, 10-15 фоизини эса болалар ташкил этади.

Ҳозир республикамизда тузилган Идоралараро комиссияси томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, одамларни огоҳлантирувчи кўргазмали воситалар шаҳримизда ва вилоятларда кўринадиган жойларга ўрнатилмоқда. Хорижда меҳнат қилиш истаги бўлганлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунга қарамай ҳозир хорижда минг-минглаб эркак ва аёллар бу балога гирифтор бўлиб, жафо чекмоқдалар. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, адашган ва Ватанига қайтиш йўлларини излаётган кимсалардир.

Мамлакатимизнинг ўзида тирикчилик қилиш имконияти бўлатуриб, баъзи юртдошларимизнинг хорижга олиб кетиб сотилиши, хўрланиши, қулликка ёлланиши на бизга, на миллатимизнинг маънавий қадриятларига тўғри келмайди. Фикримизча, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир неча сабаблари бор:

- *одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги;*
- *тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи;*
- *енгил иш топиш орзуси;*
- *ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик;*
- *айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари;*
- *жиноятдан жабрланганларнинг дунёқараши саёзлиги;*
- *етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик.*

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг худудий филиаллари, туман ва шаҳарлардаги саломатлик марказлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасалари врачлари ҳамкорлигида ўтган давр мобайнида "Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари", "Одам савдосидан огоҳ бўлинг!", "Одам савдоси ва унинг асоратларини олдини олишда ҳуқуқий ва тиббий билимларнинг аҳамияти", "Одам савдосига қарши курашиш" мавзусида аҳоли ўртасида маҳалла, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда одам савдоси ҳамда унинг олдини олишда ҳуқуқий ва тиббий билимларнинг аҳамияти мавзуларига қаратилган: 9460 дан зиёд маъруза, 4010 дан зиёд давра суҳбати, 39590 дан зиёд суҳбат, 350 дан ортиқ семинар жорий йилнинг шу даврига қадар олиб борилди. Оммавий ахборот воситалари орқали 70 дан ортиқ телевидение, 420 дан зиёд радиоэшиттириш, 70 дан ортиқ мақолалар газеталарда чоп этилган. Аҳолига 8835 та буклет, 14307 та варақа, эслатмалар тарқатилди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан жорий йилда "Огоҳ бўлинг, одам савдоси!" мавзусида буклет ва "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси асосида тақдимот матни ишлаб чиқилди.

Ишонч телефонлари орқали аҳоли ўзи учун керакли маълумотлардан хабардор бўлиб келмоқда. Булардан ташқари, Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Фирибгарнинг тузоғига илинманг!", "Боши берк кўчага кириб қолманг!" деган мавзудаги варақа, буклет ва плакатлар аҳолига тарқатилиб, олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишлари ИИВ ходимлари ҳамкорлигида давом эттирилмоқда. Хорижий давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази очилганлиги барчамизга маълум. Ушбу марказда одам савдосидан жабр кўрганларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Чет элда бўлиб қайтган ҳар бир фуқаро оиласи ва ўзининг саломатлиги ҳақида қайғуриб, тиббий кўрикдан ўтиши лозим. Агарда касаллик аниқланса, реабилитация марказида даволанишлари шарт.

Бу ерда уларнинг соғлиғи ва руҳий ҳолати тўла текширувдан ўтказилиб, зарур ёрдам кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатмасига асосан, марказга юборилаётганлар бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Таъкидлаб ўтиш муҳимки, соғлиғи ёмонлашган, қадр-қиммати поймол бўлган жабрдийдаларга ғамхўрлик кўрсатаётган марказ фаолияти алоҳида ўринга эга бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина 2013 йил давомида хорижда бўлиб қайтган фуқароларнинг 300256 нафари худудий бирламчи тиббий санитария муассасалари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди ва кўрик натижасига кўра касаллиги аниқланган шахсларга амбулатор ва стационар даволаш ишлари амалга оширилди. Яшаш манзилларидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан уларнинг барчаси диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш ишлари режа асосида олиб борилди.

**Одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Зеро, одам савдоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ғайриқонуний равишда айнан ўзга инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.**

### Хотира: яхшилар ёди абадий

# ОЛИМЛИК ОДАМИЙЛИК БИЛАН ГЎЗАЛ

**Ўзбекистон тиббиётида ўзининг машаққатли меҳнатлари билан катта мактаб яратиб кетган кўплаб устозларимизнинг фаолиятдаги ўрнини, шунингдек, тиббиёт аҳлига мерос қилиб қолдирган битмас-туганмас манбаларни ҳамда берган билим ва панду насиҳатларини ҳурмат билан тилга олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Дарҳақиқат, шундай экан, таниқли ўзбек олими, терапевт-гематолог Эргаш Исабоевич Отахонов нафақат юртимиз, балки жаҳонга танилган олимлардан биридир.**

Эргаш Отахонов Наманган шаҳридаги ажойиб ва камтарин инсонлар Исабой ака ҳамда Қумрихон аялар хонадонида дунёга келди. У ёшлигидан тиришқоқ ва билимга ташна бўлиб ўсди. Мактабда олган билимлари ҳамда дилидаги орзуларини амалга ошириш мақсадида синфдошлари Ёлқин Тўрақулов ва Сайфи Шамсиевлар билан биргаликда Наманган тиббиёт ишчи факультетига ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан тугатиб, 1931 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг талабаси деган номга эришди. Эргаш Отахонов 1936 йилда академияни имтиёзли диплом билан битиргач, иш фаолиятини Наманганда бошлади. Сўнгра Тошкент тиббиёт академияси терапия клиникаси аспиранти бўлди ва устози М. Слонимдан илмий сабоқларни олди. Ёш мутахассис иқтидори ва тиришқоқлиги билан ҳамкасблари орасида ажралиб турарди. Ва ниҳоят, у 1941 йилда “Турли хил (анемия) камқонлик патогенези ва клиникаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўша йилларда изланувчан ўз касбининг етук мутахассиси Эргаш Отахонов бу борадаги фаолиятларини изчиллик билан олиб борди. Унинг меҳнатсеварлиги ва ташаббускорлигини инобатга олган раҳбарият 1956 йилда ёш олимни Андижон Давлат тиббиёт институтига хизмат сафарига юборди. Мазкур институт ташкил этилишида унинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўз касбининг билимдони фаолияти давомида номзодлик ишида камқонлик сабаблари, патогенези ҳақида янги тушунчалар киритди. Ўша даврларда Ўзбекистонда ички касалликлар бўйича талайгина муаммолар ҳал қилинаётган эди. Таъкидлаш муҳимки, 1920-1940 йилларда спру, пеллагра номлари билан юритилувчи ва касаллик асосида энтеритнинг ётиши уни даволашда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш масаласи, бактериал омиллардан ташқари бошқа омиллар, яъни овқатланиш, иссиқ иқлим каби муаммолар аниқланаётган эди. Етук мутахассис нафақат терапияни, балки гематология сирларини ҳам ўргана бошлади. Шу даврда гематологияда иккита катта муаммо бўлиб, ушбу масалада тортишувлар кетаётган эди. Яъни, назарий томондан гемопоэз ҳақида нечта қон яратувчи она ҳужайра борлиги ҳамда ҳамма қон шакли элементлар бир она ҳужайрадан ривожланадими ёки она ҳужайралар кўпми, деган муаммо ётарди. 1920-25 йилларда Санкт-Петербургда гистолог олим А. Максимов унитар назарияни яратди. Тошкентда Н. Крюков ва унинг шогирдлари ҳам шу назария бўйича иш олиб борар эдилар. Лекин дуалистлар лимфопоэз ва миелопоэз икки она ҳужайраларидан бошланади десалар, триалистлар учта она ҳужайра ҳақида гапиришарди. Қисқаси, гематологияда назариялар кураши кетмоқда эди.

Иккинчи муаммо бу – Ўзбекистонда анемия – камқонлик касаллиги кўплиги ва унинг сабабларини ўрганиш муаммоси бўлиб, Эргаш Отахонов бу муаммолар бўйича устозлари ёрдамида астойдил ишлаб, биргина гематология бўйича 15 тадан ортиқ илмий мақола эълон қилди. Унинг соҳа йўналишига бўлган фидойилигини инобатга олган раҳбарият 1942 йилда Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтига директор этиб тайинлади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 4 нафар фан номзоди: терапевт Э. Отахонов, педиатр С. Шамсиев, биокимёгар Ё. Тўрақулов, патанатом А. Мағруповлар 1945 йилда Москвага докторантурага жўнатилди. Эргаш Отахонов устози И. Кассирский раҳбарлигида докторлик ишини бошлади ва ўз илмий йўналишида гематология ва гастроэнтерологияни танлади. Шунингдек, ҳазм аъзолари касалликларининг анемия билан боғлиқлиги ҳақида ғояларни илгари сурди ва биринчилардан бўлиб бу икки тизимнинг ўзаро морфологик ҳамда функционал боғлиқлигини илмий-амалий асослаб, фанда янги йўналиш яратди. Тажрибали мутахассис 1949 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. У биринчилардан бўлиб, турли анемия ва эритремия касалликларида эритроцитларнинг кислородни ташиш, ажратиш, тўқималарга узатиш функциясидаги махсус хусусиятларга эга бўлган ўзгаришларни топди. Фанда бу катта янгилик эди. 1952 йилда “К патогенезу важнейших заболеваний кроветворной системы” монографиясини эълон қилди.

Эргаш Отахонов 1951 йилдан бошлаб ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири вазифасида ишлай бошлади. Унинг меҳнати туфайли гастроэнтерология ва гематология бўйича ишлар бошланиб кетди. Гастроэнтерологиянинг энг муҳим муаммолари – сурункали ҳазм найи касалликлар этипатогенези, кечиш хусусиятлари, даволаш усулларига катта эътибор берилди. Биринчи галда ичак касалликлари танланди: спру, диспепсиянинг энтероколити, энтерит, колит, жигар касалликлари билан муносабати ҳам ўрганилди. Бу ишлар ўша даврда икки катта янгиликка олиб келди: анемиянинг энтероген механизмлари очилди ва сурункали энтероколитнинг Эргаш Отахонов номи билан айтиладиган янги халқаро таснифи (классификацияси) яратилди.

Эргаш Отахонов биринчилардан бўлиб, ҳомиладор аёлларда мегалоцитар гиперхром анемия, фолат кислота, витамин $B_{12}$ ва зардобдаги темир етишмаслигидан келиб чиқишини исботлади. Шу билан бирга микроэлементлар СО, Силарнинг етишмаслиги кўрсатилди. Бу ҳам катта янгилик эди. Олимнинг катта хизматларидан яна бири – ҳазм найи, айниқса ичак касалликларида оқсил гидролизатларини қўллашни йўлга қўйиш эди. Гидролизин Л-103, аминопептид-2 каби оқсил ўрнида қўлланувчи суюқликлар биринчилар қатори Тошкентда текшириб кўрилди ва қўлланилди. Эргаш Отахонов клиник гастроэнтерологияни Ўзбекистонда юқори даражада ўрганиб, бу фанни бойитди. Тиббиётда очилмаган қирраларни очиб берди ва 1957 йилда энтероколитларнинг биринчи бор таснифини яратиб, уни илмий-амалий асослади. Унинг фикрича энтероколит икки хил, ингичка ичак жароҳати устувор бўлган энтероколит ва йўғон ичак жароҳати устувор бўлган энтероколит бўлишини аниқлади.



Эргаш Отахонов 1952 йилдаёқ “Анемия ҳақида ҳозирги замон таълимоти” мақоласида эритропоэзни фолат кислота, витамин $B_{12}$ ва фенилаланинни бошқариш ҳақида маълумот бериб, Аддиссон-Бирмер касаллигида гемоглобинлар турларининг ўзаро муносабати бузилишидан кўра, кўпроқ нормобластик қон яратишдан мегалобластик қон яратишнинг устунлиги ётиши ҳақида ҳам олим ўз фикрини айтиб ўтган эди.

1960-1970 йилларда олим ташкил этган биофизик лабораторияда радиоактив витамин $B_{12}$, олеин кислотаси, нейтрал ёғлар, оқсиллар сўрилиши ўрганилди. Бу билан ўша йиллардаги “Ҳазм физиологияси ва патологияси” муаммолари ечилишига салмоқли ҳисса қўшилди. Аслида, академик К. Зуфаров ва Э. Отахоновлар биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда “Ҳазм физиологияси ва патологияси” бўйича республика муаммоли комиссия тузилишини ёқлаган ва амалга оширган олимлардан ҳисобланади.

Фидойи инсон қисқа умри давомида кўпгина хорижий мамлакатларда бўлиб, соҳанинг долзарб мавзулари бўйича маърузалар қилди. 1960 йилда Эргаш Отахонов Токиода бўлиб ўтган халқаро гематологларнинг VIII Конгрессида қатнашиб, “Сурункали касалликларининг қон тизимига таъсири” мавзусида маъруза қилди, ичак касалликларида “анемик синдром”нинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ўз фикрини билдирди.

Тиббиётда ўзига хос мактаб яратиб кетган Эргаш Отахонов ўша даврларда тиббиёт академияларида марказий илмий-текшириш лабораторияларини очиш ва уларда замонавий усулларни қўллаш таклифини киритган эди. Унинг узоқни кўзлаб ишлаб чиққан ушбу режалари амалга ошиб аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда фахр билан айтиш жоизки, ажойиб ва камтарин инсоннинг фарзандлари Лиля Отахонова Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида кафедра мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Нигора Отахонова тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академиясида онкология кафедраси мудираси, ўғиллари Шавкат Отахонов тиббиёт фанлари доктори, шифокор, Шуҳрат Отахонов ҳам тиббиёт фанлари доктори, реаниматолог вазифасида ишлаб, ота касбини давом эттириб, тиббиётимиз равнақи йўлида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

**Олим ҳаёти даврида ўзига хос терапевтик мактаб яратди, бир қанча йирик олимлар тайёрлади, ҳам фанда, ҳам ташкилотчиликда, ҳам соғлиқни сақлаш тизимида ўчмас из қолдирди.**

**Турғунпўлат ДАМИНОВ,**
**академик.**
**Эркин ТУРСУНОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

**СУРАТДА:** *олим Эргаш Отахонов (ўртада) ҳамкасблари даврасида.*

### Семинар

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги 2133-сон Қарори ижросини таъминлаш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш мақсадида Қашқадарё вилоятида “Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимини янада такомиллаштириш ва уларнинг вилоят, туман/шаҳар даволаш-профилактика муассасалари билан узвийликдаги фаолиятини яхшилаш масалалари”га бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.***

Семинарда бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимидаги ислоҳотлар, уларнинг натижалари ҳамда тизимни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашнинг янада илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ва тегишли идораларнинг 600 нафардан зиёд вакиллари иштирокидаги семинар пленар ва секцион йиғилишлардан иборат бўлди.

Тадбирнинг амалий қисмида эса семинар иштирокчилари вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил қилинган ички дорихона, бактериологик лаборатория, марказлашган стерилизация ва қон қуйиш бўлимлари ҳамда 6 та оилавий поликлиника фаолияти билан таништирилди.

Семинарнинг пленар қисмида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва Қарорлари ҳамда уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга батафсил тўхталиб ўтди. Шу билан бир қаторда, ечимини кутаётган масалалар таҳлили ўтказилди ва устувор вазифалар белгиланди.

Секцион йиғилишда вилоят, туман/шаҳар шифохоналарининг бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари билан узвийлигини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоятида амалга оширилган ишлар ҳолати вилоят шифохонаси ҳамда 6-оилавий поликлиника мисолида ўрганилди. Шунингдек, барча мутахассислар иштирокида тиббиёт муассасаларининг амбулатор поликлиникалар билан узвийлигини таъминлаш юзасидан вазирликнинг буйруқ лойиҳаси тақдим қилинди ва мутахассислар томонидан фикрлар билдирилди.

Вазирлик мутахассислари томонидан 22-25 август кунлари Қашқадарё вилоятининг ҚВП, кўптармоқли ва оилавий поликлиникаларда фаолият олиб бораётган тиббий ходимлари учун “Аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш чора-тадбирлари” мавзусида 4 та ҳудудий амалий семинарлар ўтказилди.

**Семинарда Қашқадарё вилояти ҳокимининг ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари иштирок этди.**

**Барно ОДИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бош бошқармаси бош мутахассиси.**

*Журналист мулоҳазаси*

# ДЕОНТОЛОГИЯ – ИНСОН РУҲИЯТИНИНГ АСОСИ

***Унутмагин шифокор: ширин сўзинг даводир,***
***Чеҳрангдаги табассум, кулган кўзинг даводир.***
***Хуш бир калом, шаксиз, беморга бахт этар жон,***
***Хуршид каби мунаввар гулгун юзинг даводир.***

***Мақоламизни бежизга ушбу тўртлик билан бошламадик. Чунки, бир оғиз ширин сўз тушкунликка тушган ҳар қандай инсоннинг руҳиятини кўтариб, унга хуш кайфият бағишлайди. Шунинг учун ҳам ширин сўз қудрати ҳаёт билан тенгдир, деб бежизга айтилмаган. Дарвоқе, тўртликнинг илк сатридаги «ширин сўзинг давоси» деган ибора тиббиёт ходимларининг ўз касбига муносабати, ахлоқ-одоби, шунингдек, шифокор ва беморлар ўртасидаги турли муносабатларнинг асл моҳияти бўлиб, бу тиббиётда деонтология деб юритилади.***

Юқоридаги фикрлардан англаб етдингизки, қуйидаги мулоҳазамиз тиббиёт деонтологиясига бағишланади. Тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, у шифокорлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий-мафкуравий дастуриламалдир.

**Тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий тушунча ҳамда бир қанча йўналишлардан иборат:**

- *шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат;*
- *шифокор билан беморнинг яқин кишилари (қариндошлари, дўстлари, ҳамкасблари) орасидаги муносабат;*
- *шифокорларнинг ҳамкасблари, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати;*
- *шифокор ва беморнинг даволаш жараёнидаги ҳуқуқлари;*
- *устоз ва шогирд муносабатлари;*
- *шифокор фаолиятидаги хато, камчилик ва бошқалар.*

Зеро, тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимларида юксак инсоний фазилатлар мужассамлигини ифода эта олиши керак. Айниқса, улардаги билимдонлик, меҳр-шафқат, камтарлик, одамийлик, ҳалоллик, покизалик, инсофлилик, зийраклик, ҳозиржавоблик, хушмуомалалик, босиқлик ҳамда изланувчанлик каби муҳим жиҳатларнинг борлиги юқоридаги йўналишларда ўз исботини топиши ва амалиётда кенг қўлланиши муҳимдир.

Республикамиз тиббиёт тизимида 75000 нафардан зиёд шифокор ва 300 мингга яқин ҳамшира меҳнат қилади. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, улар меҳнати ниҳоятда машаққатли, масъулиятли, аммо шарафлидир. Чунки, улар тунларни тонгларга улаб дардли қалбларга нажот бахш этадилар. Шундай экан, ҳар бир шифокор беморни алоҳида, кўтаринки кайфият билан қабул қилмоғи, самимий мулоқотда бўлмоғи ва ниҳоят тузатмоғи лозимдир.

Биз бу хусусда кўп гапиришимиз мумкин. Гап тиббиёт ходимларининг муомала маданияти ҳақида кетар экан, таҳририятимизга республикамизнинг турли ҳудудларидан келаётган миннатдорлик мактубларига эътибор қаратайлик. Уларда тиббиёт ходимларининг ажойиб фазилатлари, муомала маданияти ва кўрсатган беминнат тиббий ёрдамлари эътироф этилади.

**Эътиборингизни миннатдорлик мактубларидан бирига қаратмоқчимиз:**

*– Турмуш ўртоғим дала шароитида меҳнат қилар эди. Унинг саломатлигида ўзгариш, умуртқа поғонасида кучли оғриқ бўлиб, кун ўтган сайин юриша қийнала бошлади. «Ўтиб кетар» деган далда билан вақтни бой бериб қўйибмиз. Сўнгра, ҳудудимиздаги қишлоқ врачлик пункти, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда вилоят шифохоналари мутахассисларига мурожаат қилиб, керакли муолажаларни олдик. Афсуски, кутилган натижа бўлмади. Турмуш ўртоғимнинг аҳволи кундан-кун оғирлашиб, оқибатда юра олмай қолди. Вилоят мутахассислари Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига йўлланма беришди. Мазкур клиника шифокорларига мурожаат қилганимизда, ҳақиқатан ҳам турмуш ўртоғимда касаллик жиддий тус олганлигини тиббиёт деонтологияси нуқтаи назаридан ётиғи билан тушунтиришди. Шифокорларнинг хушмуомалалиги, камтарлиги беморни дарддан фориғ этгандек бўлди.*

*Хуллас, барча текширувлар ўтгач, турмуш ўртоғимда операция амалиёти бажарилди. Муваффақиятли кечган операция ўз натижасини берди ва уч кун деганда турмуш ўртоғим юра бошлади. Унинг ҳар бир қадами бизга қувонч бахш этиб, кўзларимизда севинч ёшлари қалқди. Айниқса, ушбу клиникадаги шифокор ва ҳамшираларнинг ўз ишига масъуллиги ҳамда бой тажрибага эга эканликлари бизни ниҳоятда қувонтирди,* – **дейди навоийлик Муҳаббат Баҳронова.**

Ана шундай илиқ фикрларни таҳририятимизга келаётган кўпсонли беморларнинг миннатдорлик мактубларидан англаб олиш қийин эмас. Бугунги кунда юртимиз клиникаларида ўта мураккаб операция жараёнлари амалга оширилиб, юртдошларимизнинг хорижий давлатларга боришларига ҳожат қолмади.

Албатта, биз қалби пок, камтар, самимий, қолаверса, ўз касбининг фидойилари бўлган шифокор ва ҳамшираларнинг астойдил меҳнатлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин шундай вазиятлар бўладики, соҳа мутахассислари орасида инсонийлик фазилатларини қадрламайдиган, оддий қилиб айтганда, бемор қалбига дарз етказиб, таъмагирлик қиладиган шахслар ҳам учраб туради.

Энди эса диққатингизни эътиборли фикрларга жалб қиламиз. Яқинда таҳририятимизга республикамиздаги тиббиёт муассасаларининг биридан қўнғироқ бўлди. Гўшакни кўтаргач, тушкун кайфиятдаги бир эркакнинг шикоятини тингладик:

*– Фарзанд кутаётган эдик. Вилоятимиздаги тиббиёт муассасаси билан яшаш жойимиз орасидаги масофа 27 километрни ташкил этади. Аёлимнинг дарди келгач, тезда ўша шифо масканига шошилдик (соат кечки 19.30). Онам ва мен турмуш ўртоғимнинг аҳволини кўриб, бир томондан севинсак, иккинчи томондан бизни у ерда қандай қабул қилишар экан, дея ўйлаб борардик. Ва ниҳоят, кўзлаган тиббиёт муассасига етиб бордик. Қабул бўлимига кирганимизда, айрим тиббиёт ходимларининг бепарволиги ва муомаласидан ранжидик. Уларга мурожаат қилганимизда, навбатчи ва бош шифокор операцияда, дейишдан нарига ўтишмади. Шу пайтда аёлимнинг ҳар томонлама қийналаётганлигини кўриб, тиббиёт ходимларига нисбатан ғазабим янада ошди. Навбатчиликда турганлар сансалорликдан нарига ўтишмасди. Хуллас, навбатчи ва бош шифокор бир қанча вақт ўтгач турмуш ўртоғимнинг аҳволини текширгач, уни тезда кесар йўли билан операция қилиш муҳимлигини айтиб, операция хонасига олиб кетишди. Амалиёт муваффақиятли ўтди. Аёлим ва қизимнинг саломатлигини эшитиб, қалбимиз қувончга тўлди. Лекин биринчи бор кириб келганимизда, тиббиёт ходимлари томонидан бўлган совуқ муомала уларга нисбатан менда илиқ муносабат пайдо қилмади. Чунки бундан икки йил олдин бир ёшдан ошган фарзандимнинг нобуд бўлгани кўз олдимдан кетмайди, ўша пайтда балки, шифокорларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлгандир... Мен бу билан соҳа мутахассисларининг машаққатли меҳнатини инкор этмоқчи эмасман. Ўз касбларига жиддий ёндашган ҳолда инсонийлик фазилатларидан йироқ бўлмасликларини истаб қоламан,* – **дея ўзини Собиржон дея таништирди.**

**Яна бир воқеий ҳолатни келтирмоқчимиз.** *Бундан бир неча ой олдин иш жойимизда бир ходимнинг аҳволида ўзгариш бўлиб, тез ёрдам машинаси чақирилди. Унда уч ойлик ҳомила бўлиб, қон кета бошлади. Пойтахтимиздаги туғруқ мажмуаларининг бирига олиб борилди. Хуллас, текширувлар ўтказилгач, бемор бўлимга ётқизилди (кеч соат 18.15). Афсуски, кечки соат 23.00га қадар навбатчи врач, на ҳамшира бемор аҳволидан хабар олишмаган. Унинг оила аъзоларининг айтишига қараганда, тиббиёт ходимларининг бепарволиги ва касбига нисбатан совуққонлиги юқоридаги ҳолатни юзага келтирган. Раҳбар 22.30 ларда ходим аҳволидан хабар олгандан кейингина бемор назоратга олинган.*

Бундай бир-бирига қарама-қарши бўлган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Кейинги пайтларда тиббиёт ходимларининг беморларга бўлган мулоқотлари тўғрисидаги бундай эътироф ва эътирозларни мактублар мисолида эмас, балки кенг аҳоли орасида ҳам эшитиб, гувоҳи бўлмоқдамиз. Республика тиббиёт муассасаларида хизмат сафарида бўлганимизда, кўплаб шифокор ва ҳамшираларда тиббиёт деонтологиясига хос фазилатлар мавжудлигини кўриб, хурсанд бўламиз. Лекин айрим шифо масканларида даволанаётган ва мурожаат қилиб келаётган беморларга қўпол муомалада бўлаётган тиббиёт ходимларини кўриб, кайфиятимиз тушиб кетди. Инсон қалбига дарз етказиб, унинг дилини вайрон этмоқдан ёмони бўлмаса керак. Улуғ мутафаккиримиздан бири шундай деган экан: «Инсон кўнглини кўтармоқ, Каъбани обод қилмоқ билан барobардир. Агар дилини вайрон қилса, Каъбани вайрон қилмоқ билан тенгдир».

Юқоридаги ҳаётий воқеалар тиббиёт ходими ҳамда бемор ўртасидаги мулоқотлар мисолида кузатилаётган бўлса, бундай ҳолатларга ҳамоҳанг бўладиган, яъни соғлиқни сақлаш тизимидаги муассаса, тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларда фаолият юритаётган айрим раҳбарларнинг муомала маданияти ҳам бундан мустасно эмас...

**Деонтология масалалари бўйича вазирлик тизимидаги мутахассислар томонидан тиббиёт муассасалари, қолаверса, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда тадбир ва давра суҳбатлари, шунингдек, маънавият дарслари мунтазам тарзда олиб борилмоқда. Бўлғуси мутахассиснинг деонтология асосларини пухта эгаллаб амалиётга киришуви ижобий натижа беришига шубҳа йўқ.**

**Бу кичик хулоса оддий ҳақиқатдан иборатдир. Бунинг узвий давоми сифатида газетамизнинг кейинги сонларида тажрибали деонтолог мутахассисларни суҳбатга чорлаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*Хабар*

# АҲОЛИ МАМНУН

***Бухоро вилояти Олот тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси 175 қатновга мўлжалланган.***

**Поликлиника “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида рақамли рентген, “Доплер” ультратовуш текшируви аппарати каби энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда саксонга яқин олий тоифали шифокор ва юздан зиёд ҳамшира аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.**

**Тоҳир ИСТАТОВ.**



***Қашқадарё вилоятининг Миришкор ва Касби туманларидаги бир нечта умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларига шахсий гигиена воситалари тарқатилди.***

# Соғлом ўсгил, болажон

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан “Касаба уюшмалари болаларга” акцияси доирасида “Тозалик, озодалик – саломатлик гарови” шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшлар манфаатини ҳимоялаш, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шахсий гигиена воситаларини қабул қилиб олган болажонларга синфхонаси ва шахсий буюмларини тоза тутиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш тушунтирилди. Ўқувчиларга тозалик ва озодаликнинг афзалликлари, унинг инсон саломатлигида тутган ўрни ҳақида турли сахна кўринишлари, слайдлар намойиш этилди. Тажрибали ўқитувчи ҳамда тиббий мутахассислар иштирокида мавзуга оид суҳбат ва савол-жавоблар ўтказилди.

– Набирам бу йил 1-синфга борди, – дейди касбилик Саодат Жабборова. – Янги ўқув йилининг биринчи кунида “Президент совғаси”ни олганида қувончи ичига сиғмаган эди. Бугунги совғадан яна бир бор суюнди. Болаларимизнинг бундай хурсандчиликларини, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, ҳордиқ чиқаришини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бунинг учун Юртбошимизга минг раҳмат.

**Ў. БАРОТОВ. ЎзА.**

## Бугуннинг мавзуси

# ЧЕКМАСДАН ҲАЁТ ЗАВҚИНИ СУРИНГ!

***– Дўстимни кўриб келдим, ранг кўр, ҳол сўр. Неча марта чекишни ташла, дедим, иродаси етмади. Болалигидан ўрганиб қолувди, бир-икки марта татиб кўриб, бора-бора ҳақиқий кашандага айланди. Бир кунда бир пачка сигарет, тасаввур қилинг, соғлиққа келтирадиган зараридан ташқари, ҳамённинг баракасини учиргани-чи? Эҳ дўстима, дўстим, умрингга, соғлиғингга ичим ачийди, – деб ҳасратини тўкди танишларимдан бири.***

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари огоҳлантиришадики, агар кашандаликка чалинган киши чекишни тўхтатса, вақт билан боғлиқ даражасига кўра қуйидаги ижобий ҳолат кузатилар экан:***

***1 соатдан сўнг – артериал қон босими ва юракнинг қисқариш частотаси меъёрий даражани ҳосил қилади;***

***8 соатдан сўнг – қондаги никотин ва карбонат ангидрид моддаси ярмига камайиб, кислород миқдори нормаллашади;***

***24 соатдан сўнг – юқори ва қуйи нафас олиш органлари фаолияти яхшиланади;***

***72 соатдан сўнг – бронхлар ретаксикацияси кузатилади, энергетик потенциал ошади;***

***1 ҳафтадан сўнг – юз териси тиниқлашади, тери ва сочдаги, нафас чиқаришдаги нохуш ҳидлар йўқолади;***

***1 ойдан сўнг мутлақо енгил нафас олиниб, эрталабки бош оғриғи йўқолади, йўтал азоби камаяди;***

***1 йилдан сўнг – ўпка ракининг ривожланиш хавфи тенг ярмига қисқаради. Миокард инфарктининг жадаллашиши сусайиб, юрак соғлом кишиникидек ура бошлайди;***

***5 йилдан сўнг эса... мўъжиза рўй беради – у мутлақо соғлом кишига айланади.***

Унинг дўстини танийман, 53 ёшда. Тошкент шаҳридаги Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида кетма-кет ётиб даволанаяпти. Врачлар унинг муттасил чекиш туфайли нафас йўлларида ўпка раки аломатлари борлигини айтишаётган эмиш. “Қув-қув” йўталганда, худди кўкрак қафаси жойидан ўпирилиб кетгандек туюлади. Хотини, фарзандлари бундан ташвишда. Сигарет чекишни ташлашга унинг иродаси, сабр-тоқати етмаяпти. Нима бўлса, пешонасидан кўради энди...

Дарҳақиқат, саломатликка путур етказувчи зарарли одатлардан бири – чекишнинг инсоният ҳаётига кўрсатаётган салбий таъсирини тасаввур ва ҳис қилиш қийин эмас. Хўш, инсониятни ўзига ром этиб келаётган тамаки маҳсулотларининг сеҳрли кучи нимада? Нега кишилар ўз соғлиқларини йўқотиш эвазига бўлса-да, бу жирканч иллатга боғланиб қоладилар? Америка Қўшма Штатлари тиббиёт фанлари академияси аъзоси, чекишга қарши кураш жаҳон ҳамжамияти вакили, профессор Марк Тоббель кўп йиллик тажрибалари асосида шундай хулосага келган: “Дастлаб бир-икки сигарет чекканидан кейин инсон миясида қон айланишининг қисқа муддатли яхшиланиши кузатилади. Иш қобилияти ошади, фикрлаш тарзи яхшиланади. Аслида, инсон ақлий фаолияти, тана қуввати, саломатлиги яхшиланиши, ҳиссиётлари ошишига унинг ўзидаги маълум табиий омиллар, қўзғатувчи кучлар сабабчи бўлади. Чекувчида эса ана шу табиий омиллар ўрнини ташқи куч – сигарет эгаллайди. Чекиш мия фаолиятига, танага қўзғатувчи куч сифатида таъсир кўрсатганлиги сабабли, кашандада сигаретга талаб кучаяди. Ҳар бир сигарет унга янги куч, қудрат, ақл-идрок манбаи бўлиб туюлади. Бу ҳолат ҳар қандай одамни фаол чекувчига айлантиради”.

Психологик ва тиббий таҳлиллар шуни кўрсатадики, онгли мавжудот – инсон ўз ақли билан ихтиро қилинган ижобий ва салбий нарсаларни баъзан атайлаб, гоҳида эса оқибатини ўйламай татиб ёки фойдаланиб кўришга мойил бўлади. Дунёдаги барча мамлакатлар аҳолиси сингари Ўзбекистонда ҳам зарарли одатга берилган, бунинг зиён-заҳматини тортаётган фуқаролар йўқ эмас. Ҳукуматимиз томонидан ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан олиб борилаётган ташкилий-ҳуқуқий ишларга кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори қаратилмоқда. 2011 йилнинг 5 октябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонуни кучга киргач, бу борадаги ишлар тартибга солинаяпти. Қонунга кўра, ташкилот, корхона ва муассасаларда, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган шохобчаларда, жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш қатъий тақиқланади. Қонунда қайд қилинган тартиб-қоидалардан яна бири – 20 ёшга тўлмаганларга тамаки маҳсулотлари сотилмайди, кашандалик туфайли саломатлигига путур етган шахсларга соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

– 2011 йилнинг 5 октябрида қабул қилиниб, 2012 йилнинг 5 апрелида кучга кирган ушбу қонуннинг мақсади жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат. У 5 та боб, 25 моддани ўз ичига қамраб олган. Унинг барча боб ва моддаларида инсон саломатлигига зарар етказувчи воситалардан бўлган спиртли ичимлик ҳамда тамаки маҳсулотларининг харидини қатъий тартиб ва назоратга олиш, истеъмол қилувчи фуқароларга бунинг нафақат битта шахс, балки жамият ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатишини тушунтиришдан иборат. Унинг 13-моддасида таълим, спорт муассасалари ва диний идоралардан 500 метрдан кам радиусда жойлашган савдо шохобчаларида спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари олди-сотдисига йўл қўйиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Юртимизда мустақилликка эришилгач, 1994 йилдан бошлаб аҳоли гавжум бўлган жойларда, тиббиёт масканларида, жамоат транспортида ва таълим даргоҳларида чекиш расман тақиқланди. Бошқа биноларда эса фақат махсус ажратилган жойлардагина чекиш мумкин. Пойтахтимиз Тошкентнинг барча етакчи меҳмонхоналари чекувчилар учун алоҳида фойе ажратилган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг эса “Барча ҳаво лайнерларида чекиш расман тақиқланган” деган ташаббуси жаҳонда биринчи бўлиб жамоа ўртасида тан олинган. Давлат томонидан молиялаштирилган “Чекмасдан ёшлик гаштини сур”, “Мен ўз йўлимни танладим”, “Чекишга қарши кураш – соғлом яшаш тарзи” каби шиорлар остидаги ташаббус ва ҳаракатларга кенг йўл очилган. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги Қонуни кучга киргач, тамаки маҳсулотлари рекламасининг 5 фоиздан кам бўлмаган жойи унинг зарарли экани ҳақида огоҳлантиришга ажратилиши шарт қилиб кўрсатилган. Шу билан бирга 2012 йилнинг 24 апрелида “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши курашиш бўйича Хадли конвенциясига (Женева, 2003 йил, 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун ҳам қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши курашдаги халқаро нуфузини кўрсатиб турибди, – **дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Алимова.**



Дарҳақиқат, қонун ижросини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юртдошларимизнинг умр кўриш даражасини узайтириш билан боғлиқ кенг кўламдаги ишларга барча меҳнат жамоалари, маҳаллалар, давлат ва нодавлат корхоналарида эътибор кучайтирилмоқда. Айниқса, бу масала Халқ таълими вазирлиги раҳбариятининг доимий назоратида бўлиб, 2013 йилнинг 28 февралида амалиётга татбиқ қилинган “Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари” номли 74-сонли буйруғида алоҳида банд билан белгилаб қўйилган. Ушбу меъёрий ҳужжатнинг 26-бандида таъкидланадики, мактаб ҳудудига наркотик, психотроп, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини олиб кириш мутлақо тақиқланади.

**Эсонбой ЯХШИБОЕВ,**
**Самарқанд вилояти Оқдарё тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:**

– Мактаб ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлайдиган муқаддас даргоҳ. Бу ерда бола тарбиясига, саломатлигига таъсир кўрсатадиган ҳеч қандай номақбул хатти-ҳаракатга йўл қўйилмаслиги керак. Ўқитувчи чекишнинг зарари тўғрисида гапирсаю, мактаб ҳовлисида унинг сигарет тутатиб турганини кўрса, боланинг унга нисбатан ҳурмат-ихлоси сўнади. Ёки муаллим спиртли ичимликни муттасил ичиш инсон аъзоларига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида гапирсаю, ҳаётда ўзи бунинг аксини қилса, дейлик, унинг кўчада маст-аласт думалаб ётганини кўрса, ўқувчининг устози ҳақидаги фикри қай даражада бўлади? Демак, мактабнинг муқаддас даргоҳ эканлигини, бу ерда бола саломатлигига умуман путур етказмаслик кераклигини ҳар биримиз ёдда тутишимиз керак. Мактабимизда 342 нафар ўқувчи ўқийди, синфлар сони 16 та. Кўпинча 13-15 ёш орасидаги ўсмирларда сигарет, психотроп, наркотик моддаларни татиб кўришга мойиллик пайдо бўлганини кузатганмиз. Улар сигарет чекаётган катталарга ҳавас қилиб, бир марта татиб кўришади, айрим ўсмирларни шу тариқа кашандалик иллати ўзига тортиб кетиб қолади. Баъзи ўсмирларга ота-она тўғри йўл кўрсатиши, педагог насиҳати етарли бўлиб, у сигаретни қайтиб оғзига олмайди. Чекишга мойиллиги бўлган ўқувчилар мактабимизда ҳам учрайди. Биз уларни гуруҳлаб, ота-оналари иштирокида суҳбат уюштирамиз. “Ота-оналар университети”га ҳар бир ўқувчининг оила бошлиқларини аъзо қилиб сайлаганмиз. Улар ўз фарзандларининг ножоиз хатти-ҳаракатидан хабар топгач, боладаги салбий қизиқишни ҳамкорликда бартараф этишга киришамиз. “Чекмасдан ёшлик гаштини сур”, “Соғлом турмуш тарзи – узоқ умр кўриш гарови”, “Зарарли одатларга ружу қўйманг”, “Шахсий гигиенага риоя қилинг” каби мавзуларда тарбиявий соат ўтказилиб, ўсмирларнинг тиббий тушунчасини кенгайтирмоқдамиз. Бунинг натижасида ўтган 2013-2014 ўқув йилини ўқувчилар ўзлаштириши, билим самарадорлиги ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича муваффақиятли якунладик. Янги 2014- 2015 ўқув йилида ҳар бир синф раҳбари ўз йиллик режасига тиббий руҳдаги мавзуларни киритган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан 1980 йилдан бери ҳар йили 31 май – “Халқаро кашандаликка қарши кураш куни” сифатида нишонланади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўша куни сигарет чекилмайди ва таркибида никотин бўлган ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналар эшиги ёпилади. Шуни афсус ва надомат билан қайд қилиш керакки, чекишга қарши ёппасига эълон қилинган саъй-ҳаракатларга қарамай, дунё миқёсида чекувчилар сони камаяётгани йўқ. Улгуржи ва чакана савдо шохобчаларидаги энг харидоргир ва “бозори чаққон” товар сигарет эканлиги маълум. Расмий ҳисоб-китобларга қараганда, ер юзида росмана кашандалар сони 1,3 миллиард кишини (1,1 миллиард эркак, 230 миллион аёл) ташкил этаётганлиги бу фикр нечоғлик ҳаққоний эканлигини кўрсатмоқда. Сигарет билан алоқадор касалликлар натижасида дунё бўйича ҳар йили 5 миллиондан ортиқ киши вафот этар экан. Сигарет чекишнинг организмга етказадиган фожиасини барчамиз умумий тасаввур қиламиз, аслида бу иллатга берилган кишининг умумий клиник ҳолати қандай кечади, бу ҳақда мутахассис шифокор фикр билдиргани маъқул.

**Нилуфар ГАИБОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-маслаҳат поликлиникаси пульмонологи:**

– Сигарет таркибида заҳарли никотин моддаси борлигини барчамиз яхши биламиз. Сигарет таркибидаги ис гази билан гемоглобин бирикиши натижасида қонда кислород миқдори камаяди. Тўқималар озиқланиши ва кислород билан таъминланиши бузилиб, тери дағал, хира бўлиб қолади. Эътибор беринг, кашандаларнинг нафақат юз, балки бутун танасининг ранги кўкиш, заҳил.

Айниқса, чекувчи аёлларнинг бу қилмишини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Унинг организмидаги тутун заҳри йўлдош орқали ҳомилага ўтса, бола яхши ривожланмайди. Бундай ҳолат жуда қалтис ҳисобланиб, бола тушиши билан якун топади. Чекувчи она чақалоғини кўкрак сути билан боқса ҳам фарзанди соғлом ўсмайди. Чунки унинг бир литр сутида 0,5 миллиграммгача никотин сақланади. Бола вазнининг ҳар бир килограммига 1 миллиграмм никотин тўғри келиши эса гўдакни ҳалок қиладиган доза ҳисобланади. Кўкрак сути нохуш ва бемаза бўлгани учун бола ўз онасини эммай қўйиши ҳам мумкин.

Кашандалик – бутун инсоният ҳаётига хавф солаётган, унинг умрини қисқартираётган иллат бўлгани учун ҳам фақат қораланади, бунга қарши кураш олиб борилади, чора-тадбирлар кўрилади, конун-қоидалар ишлаб чиқилади, аммо уни одамлар ҳаётидан, онгидан сиқиб чиқаришдек мушкул ва мураккаб вазифа йўқ. Шундай бўлса-да, зарарли одатлардан бири бўлган тамаки чекишга қарши кураш бир кун, бир дақиқа ҳам тўхтамаслиги керак.

**Истаймизки, бу иллатдан қутулолмаётган юртдошларимиз ҳаётида мўъжиза рўй берсин. Ана шундагина оилалар соғломлашади, тўрт мучаси соғлом фарзандлар дунёга келади, юртимиз гуллаб-яшнайди, энг муҳими, кишилар узоқ умр кўришдек бахтга муяссар бўладилар.**

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

Признание

# НАСТОЯЩИЙ ПРОФЕССИОНАЛ

**Цой Елена Валентиновна – из когорты врачей, которые являются профессионалом высокой квалификации, работая применяют передовые технологии, высокотехнологичные виды диагностики и лечения.**

**Мы приводим отзывы благодарных пациентов, лечившихся и лечащихся у Е. Цой.**

Елена Валентиновна более двадцати лет работает в МСО Навоийского ГМК терапевтом-кардиологом, заведующей отделением терапии МСЧ МСО Навоийского ГМК (г. Навои). Она терапевт-кардиолог высшей категории, высококвалифицированный терапевт широкого профиля и разносторонний терапевт-клиницист, умелый организатор, успешно сочетающий большую организаторскую работу с активной практической. Практическая деятельность Е. Цой характеризуется глубокой теоретической обоснованностью, новизной и значимостью полученных результатов.

"Я поддерживаю принципы великого врача Хусайн ибн Абдулла ибн Сино: "Лечить, прежде всего, больного, а не болезнь", – говорит Елена Валентиновна.

В эру медицинских высоких технологий, для максимального удовлетворения потребностей работников Навоийского ГМК в медицинской помощи Е. Цой приняты конкретные меры по укреплению материально-технической базы терапевтической службы, внедрению новых методик и технологий в диагностике и лечении терапевтических больных. Елена Валентиновна относится к работе с большой ответственностью, решает проблемы оперативно. Серьезно работает над повышением уровня своих специальных знаний, принимает активное участие в работе семинаров и конференций по кардиологии.

Своим чутким отношением к больным, самоотверженной работой, высоким профессионализмом Елена Валентиновна завоевывает с каждым днем все больше авторитета и становится примером для подражания.

Уважаемая Елена Валентиновна, хочется пожелать вам и членам коллектива отд. терапии только счастья в жизни, новых достижений во имя здоровья людей! Пусть никогда вам не придется усомниться в той пользе, которую вы приносите каждой минутой своей работы!

**Многочисленные пациенты из городов Навои, Зарафшан, Учкудук, Нурабад и Зафарабад.**

МСЧ №1 (г. Навои) является базовой и отличается от других МСЧ кадровым составом, наличием современного оснащения лечебно-диагностических подразделений, медицинской аппаратурой и профилизацией отделений. В штаты МСЧ №1 введены главные специалисты отрасли медицинской службы.

Внедрение в практику многочисленных эффективных технологий в рентгенологии, электрокардиографии, ультразвуковых методов, компьютерной томографии, эндоскопических, микрохирургических, нейрохирургических, электроэнцефалографических и многих других методах открыли в медицине Навоийского ГМК эру медицинских высоких технологий.

Для максимального удовлетворения потребности работников НГМК в медицинской помощи приняты конкретные меры в МСО НГМК по внедрению новых методик и технологий в диагностике и лечении больных.



В. Цой показала себя как грамотный специалист, врач терапевт-кардиолог, дисциплинированный сотрудник.

**Исмаил ИСРАИЛОВ.**

Человек и его дело

***– Со школьной скамьи я хотела быть учительницей в школе, – рассказывает Махбуба Инамовна Хакимова. – А тут подружки решили поступать в Андижанский государственный медицинский институт и стали меня агитировать ехать с ними на сдачу экзаменов. И вот мы втроём из Коканда поехали в Андижан. И что интересно: я поступила в институт, а подруги "провалились" на экзаменах. Потом, – продолжает Хакимова, – вышла замуж и оказалась в Ташкенте.***

# ВЫБОР ПРОФЕССИИ ОПРЕДЕЛИЛИ ПОДРУГИ



Устроилась в поликлинику № 29 Чиланзарского района г. Ташкента, теперь она семейная поликлиника № 36, участковым врачом. Знакомилась со своими обязанностями, участком, людьми, проживающими в нём, налаживала контакт. Работа понравилась, и не жалею, что поступила в Андижанский государственный медицинский институт.

Имея добрый и отзывчивый характер, Махбуба Инамовна стала любимицей у пациентов и уважаемым человеком в коллективе. Заслужив доверие сотрудников, в 1998 году её назначают заведующим лечебным отделением. Конечно, прибавились ответственность и дополнительные нагрузки. Несмотря на повышение, Махбуба Инамовна не делает из этого помпезность, надо посоветоваться – пожалуйста, помочь сделать отчёт – никогда не откажет. Бывает и строгой, и требовательной, по при этом справедливая, знающая своё профессиональное дело, а это – самое главное. Сама же Махбуба Инамовна рада судьбе и всегда вспоминает подругу.

**А. ПОПОВ.**
**Фото автора.**

Советы специалиста

# ЗДОРОВАЯ МАТЬ — ЗДОРОВЫЙ РЕБЕНОК

**Не нужно заниматься специальной статистикой, чтобы сделать вывод, какой процент молодых людей, настоящих и будущих пап и мам, курит. Достаточно просто оглянуться вокруг. Молодые люди, к сожалению, не задумываются над тем, что они губят таким образом не только свое здоровье, но и здоровье своих детей, даже будущих.**



Из всех разнообразных ядовитых компонентов табачного дыма наиболее опасны никотин и окись углерода. Никотин можно считать самым действенным наркотиком по скорости формирования патологической зависимости к нему. Если ввести непосредственно в вену дозу этого яда, содержащуюся всего в одной сигарете, она будет смертельной.

Окись углерода (составная часть угарного газа) обладает сродством к гемоглобину крови, соединяясь с которым он образует карбоксигемоглобин. Сродство гемоглобина к окиси углерода примерно в триста раз больше, чем к кислороду. Равные доли карбоксигемоглобина и оксигемоглобина незамедлительно образуются в крови при наличии кислорода в получаемом организмом воздухе на уровне двадцать целых и девять десятых процентов, а окиси углерода – семь сотых процента.

Никотин и окись углерода отрицательно влияют на развивающиеся гонады (половые клетки). Исследования по выявлению токсического влияния продуктов курения на репродуктивную функцию показали, что у женщины, которая выкуривает 40 и более сигарет в день, примерно на треть снижена вероятность зачатия. При наступлении беременности у курящих женщин процент невынашивания значительно выше, чем у некурящих, а досрочные роды бывают в 7% случаев против 1,4% у некурящих.

Адаптация недоношенных детей протекает с различными проблемами, которые порой оставляют след на всю оставшуюся жизнь. У длительно курящих женщин зачастую дети рождаются с внутриутробной задержкой развития.

Однозначно доказано: плод «курит» вместе со своей неразумной мамой и при этом находится в более неблагоприятных условиях, чем она. В фетальной (плодовой) крови, в сосудах пуповины также присутствует никотин, а концентрация карбоксигемоглобина вдвое выше, чем в крови матери.

Плацента хорошо проницаема для никотина. Окись углерода проникает через плаценту методом простой диффузии. Накапливаясь в жизненно важной плаценте, никотин оказывает сосудосуживающее действие на сосуды рассматриваемого, маточно-плацентарного круга кровообращения. Поэтому курение беременной является одним из важнейших факторов, который в итоге приводит к гипоксии носимого плода – кислородному голоданию. В организм плода кровь поступает недостаточно насыщенной кислородом, питательными веществами и в недостаточном количестве.

В результате страдают все органы и ткани – они закладываются, развиваются и живут фактически в условиях экологической катастрофы. В условиях гипоксии нарушается обмен веществ, образуется много недоокисленных продуктов обмена. В условиях этой экологической катастрофы, созданной самой матерью, плод может погибнуть, или «потребовать» преждевременного появления на свет, или родится ребенок с аномалиями и пороками развития. Чаще это пороки сердца и головного мозга.

**Эльвира МАРАКАЕВА, директор Ташкентского городского института здоровья и медстатистики.**

## 2014 год – Год здорового ребенка

# РАСПОРЯДОК ДНЯ ШКОЛЬНИКА

***Вот и закончились летние каникулы школьников – время активного отдыха, наступает время учебы в школе – время умственного труда. Чтобы сохранить заряд здоровья школьников, лучше организовать их время, поможет правильный распорядок дня.***

Распорядок дня обязательно должен предусматривать время для труда, отдыха, сна и еды. Учащиеся, которые не соблюдают режим дня, со временем становятся раздражительными, у них накапливается переутомление, такие ученики чаще подвержены стрессу и заболеваниям.

Для учащихся младших классов составить режим дня и проконтролировать его могут помочь родители. А старшеклассники должны сами определить, что и в каком порядке они будут и могут делать, что является одним из основных правил удачного составления распорядка дня. Второе правило составления распорядка дня – это его гибкость. Чем более гибким будет режим школьника, тем лучше он будет себя чувствовать и больше успевать. Гибкий режим дня определяет только то, что ученик будет делать. А вот когда именно будет это делать, зависит от его самочувствия, реальной ситуации и его интересов. Одновременно, если ребенок соблюдает правильный режим, у него вырабатываются условные рефлексы, и каждая предыдущая деятельность становится сигналом к последующей, что помогает ему легко переключаться из одного состояния в другое.

С самого начала очень важно приучить ребенка ложиться спать и просыпаться в одно время. Своевременный подъем утром – это, во-первых, организованное начало дня, а, во-вторых, сбалансированная психика и отсутствие стресса. Дети должны завтракать. Без обязательно полноценного приема пищи утром уже на втором уроке ребенок почувствует вялость и упадок сил, что, конечно, не способствует эффективной учебе.

Учеба школьника – это его умственная работа. Поэтому в этом случае учитываем режим умственного труда. У человека в течение дня обычно бывает два периода наибольшей активности умственного труда: первый – утром, а второй – ближе к вечеру. В это время человек работает гораздо продуктивнее, чем в любое другое. Обычно утренняя активность выше, чем вечерняя (не случайно уроки проводятся утром, т.к. утром работается лучше всего. Поэтому новый материал нужно стараться запомнить и понять на уроке; это очень облегчит выполнение домашней работы).

Пока ребенок находится в школе, можно не беспокоиться за его режим – там все происходит четко и организованно. После школьных занятий ребенок возвращается домой, поэтому обязательно нужно планировать вторую половину дня. Ни про какие уроки, кружки или спортивные секции не может быть речи, пока ребенок не пообедает. А последующий отдых школьник может проводить так, как ему хочется: поваляться на диване с книгой, погулять во дворе с собакой или друзьями, посвятить часы отдыха любимому хобби. Однако нужно учесть, чтобы не позднее 17:00 ребенок готов был приступить к домашним заданиям. Так как это время наиболее эффективно для того, чтобы учить уроки, совпадает с вторым периодом наибольшей активности умственного труда человека.



Своевременный ужин – это хороший полноценный сон. Многие считают, что сон – это отдых организма. Это не совсем так. Наш мозг работает даже во сне. Он перерабатывает информацию, полученную за день, сортируя ее на важную и неважную. Забывать неважное и оставлять в памяти важное – это значит учиться, поэтому хороший сон так важен для школьника. Средняя потребность в сне у школьников, учитывая учеников младших классов и старшеклассников, составляет 8,5-10 часов. Если продолжительность сна уменьшена на 1-1,5 часа, то это сказывается на состоянии ребенка днем. Подготовка ко сну, включая гигиенические процедуры, должна соблюдаться неукоснительно. Перед сном ребенку запрещайте смотреть фильмы ужасов, травмирующие психику и провоцирующие кошмары и беспокойный сон.

Будьте последовательны и настойчивы. Возможно, на первых порах ребенку будет нелегко жить, соблюдая режим, но он быстро втянется, а спустя несколько лет еще скажет вам большое спасибо за науку. Будьте здоровы!

**З. ХАМРАКУЛОВА,**
**врач-методист**
**Ташкентского института**
**здоровья и**
**медстатистики.**

## *Объявление*

## Общественный фонд по поддержке ННО и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

### *Объявляет конкурс*

***для размещения государственных социальных заказов по теме: "Соғлом бола – баркамол келажак"***

Для участия в конкурсе принимаются проекты ННО и других институтов гражданского общества Республики Узбекистан по следующим направлениям:

– осуществление социальной поддержки детей из малообеспеченных семей, детей-инвалидов;

– повышение медицинской культуры и формирование здорового образа жизни;

– привлечение девочек из семей, нуждающихся в социальной поддержке, к различным культурно-просветительским мероприятиям, занятиям физкультурой и спортом;

– оказание содействия в защите прав и законных интересов детей-сирот, оставшихся без попечения родителей, детей с недостатками в умственном или физическом развитии;

– укрепление взаимодействия семьи, махалли и образовательных учреждений в воспитании детей под девизом: **"Бир болага етти кўшни ота-она"**;

– формирование у молодежи чувства патриотизма и бережного отношения к историческим и культурным памятникам.

Для участия в конкурсе необходимо представить следующие документы:

1. Совместное сопроводительное письмо, подписанное руководителями и утвержденное печатью ННО, других институтов гражданского общества и органов государственной власти.

2. Проектную заявку на государственный социальный заказ по форме, размещённой на сайте www. fundngo.uz.

3. Копию свидетельства о регистрации организации, если проект требует лицензионную деятельность, то копию лицензии, копию устава со всеми изменениями и дополнениями к нему, заверенные печатью организации.

4. В соответствии со статьей 14 Закона Республики Узбекистан "О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций ННО" копию договора, заключенного между государственным органом на местах и ННО, другими институтами гражданского общества на выполнение работ или проведение мероприятий для реализации социально значимых проектов.

5. Копию территориальной или отраслевой программы социально-экономического развития, где на ННО и другие институты гражданского общества возложены задачи по выполнению работ или проведению мероприятий.

6. **Сумма, выделяемая на один проект социального заказа, – до 25 млн. сумов.**

Приём документов осуществляется со 2 сентября по 3 октября 2014 г с 9:30 до 18:00.

В конкурсе могут принимать участие ННО и другие институты гражданского общества, прошедшие государственную регистрацию. Документы по конкурсу принимаются в конвертах *(формата А4)*, направляемых в адрес **Общественного фонда по поддержке ННО и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан** по адресу: 100035, г.Ташкент, ул. Бунёдкор, дом-1.

С условиями проведения конкурса и образцами конкурсных документов можно ознакомиться на официальном сайте фонда: **www.fundngo.uz**

**Телефоны для справок:**
**239-26-76, 239-26-64.**

## *101 хизмати*

# ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

***Халқ мулки, тураржойларни ёнғиндан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳимдир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бу борада кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Жумладан, улар томонидан жойларда учрашувлар ўтказилиб, аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ҳамда амал қилиш бўйича услубий кўрсатмалар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.***

Дарҳақиқат, ёнғинга қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишда аҳолини жалб этишга барчамиз масъулмиз. Зеро, "тилсиз ёв" билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, хонадон, маҳалла, корхона-ташкилот, муассасага тааллуқлидир.

Аҳолига эса, ўз уйларида ёнғиннинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларни яна бир бор эслатамиз:

*- очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёт чораларини кўринг;*

*- электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг;*

*- кераксиз пайтда, жумладан, тунда электр энергияси воситаларини ўчириб қўйишни унутманг;*

*- қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг;*

*- чекиш учун белгиланган жойлардан фойдаланинг;*

*- электр симлари уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг.*

Шунингдек, келажагимиз бўлган ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари хавфли эканлиги барчамизга маълум. Ҳеч ким фарзанди ёнғин сабабли ногирон бўлиб қолишини истамайди. Улар гугурт ва олов келтириб чиқарувчи мосламаларни ўйнамасликлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш ҳар бир ота-она, қолаверса, маҳалладошлар олдидаги катта масъулиятдир.



**Х. СОБИРОВ,**
**Миробод тумани**
**ТИИБ ЁХБ инспектори,**
**кичик сержант.**

### Дил изҳори

# ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА!

***Аллоҳим суйган бандаларигагина шифо бераради, деганлари рост экан. Асли самарқандликман, касбим ўқитувчи, ёшим 53 да. Кўкрак сути бези касаллигига чалинганимга ҳам 9 ойдан ошибди.***

Инсон қачонки бошига ташвиш тушсагина ҳаёт нақадар гўзаллиги, вақт эса ғаниматлигини тушуна бошлар экан. 2013 йили Самарқанд вилояти онкология диспансери бўлимига қабул қилиниб, қўли енгил ва зукко шифокорлар: бўлим бошлиғи Лутфилло Ёров, маммолог Алишер Ҳакимов, жарроҳ Соҳибжон Узоқовлар ёрдамида даволана бошладим. Врачлар ҳамда ушбу шифохона бош врачи Мирзакарим Очиловнинг маслаҳатлари билан навбатдаги даволанишимни Республика онкология илмий марказида давом эттирадиган бўлдим.

Республика онкология илмий маркази шифохонаси бош врачи Дониёр Абророрович ҳамда ўринбосари Одилжон Муҳаммедовичга учраганимдан кейин бу инсонларнинг самимийлик ила берган маслаҳатлари мени кўпгина муаммолардан холос қилди. Гўёки йўл давомида қийнаётган азоблар чекингандек бўлди.






Бемор ширин сўзнинг гадоси деганларидек, даволовчи врач Беҳзод Исроилов ва "нур" терапияси шифокори Жаҳонгир Низомовларнинг билимию, меҳрибонликлари ноумидсизликдан қайтарди. Шундан сўнг мен ҳаётга янада теран қарай бошладим. Ҳар бир инсон бу дунёда эзгулик билан яшаши кераклигига яна бир бор иқрор бўлдим. Хурсандчилигимнинг боиси, бундай инсонларнинг камол топиши ва билим олишида Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрликлари ниҳоятда катта эканлигини англадим. Шу билан бирга, Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов фаолият юритаётган клиникада ходимлар ва беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Биласизми, табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейишади. Бироқ табиб сенинг ҳимоячинг, ёнингдагилар эса малҳаминг экан. Менинг тилагим ҳеч бир она бошидан бундай дардни ўтказмасин. Нафақат ўз номимдан, балки мен билан муолажа олган аёллар номидан марказнинг барча ходимларига дил изҳорларимни тилагим келаверади. Қолаверса, менга руҳан ва маънан ёрдам берган умумий онкология: таянч ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Улуғбек Исломов, катта ҳамшира Заҳро Исломова ва ўша ерда хизмат қилаётган жамоа ходимларидан бир умр миннатдорман. Албатта бугунги қувончим чексиз. Уларнинг қилаётган беминнат хизматларини таърифлаб сўзларга сиғдира олмайман. Бахтимизга ана шундай қалби пок, ўз касбининг моҳир усталари доимо соғ-омон бўлишларини чин дилдан истаб қоламан.

**Замира МУЛЛАЖОНОВА,**
**ўқитувчи.**



### Ён дафтарингизга

# ҲАЁТИЙ БИТИКЛАР

Мен эзгуликдан бошқа бирор афзалликни билмайман.

* * *

Эзгуликни нафрат ёки айниқса, адоват билан юзага чиқариб бўлмайди. У фақат муҳаббатдан туғилади.

* * *

Исон қанчалик доно ва саховатли бўлса, у кишилардаги яхшиликни шунчалик кўпроқ пайқайди.

* * *

Бахтли онларимизда биз ҳамиша саховатлимиз, лекин яхшилик қилганимизда ҳамиша ҳам бахтиёр бўлавермаймиз.

* * *

Ким чинакам қалб эгаси бўлмаса, у эзгулик қилишга қодир эмас: фақат хушфеъл бўла олиши мумкин.

* * *

Згулик – ҳеч эскирмайдиган бирдан-бир либосдир.

* * *

Яхшилик – кўп бўлса ҳам зарар келтирмайдиган фазилатдир.

* * *

Яхшилик ва камтарлик – ушбу икки фазилатдан киши ҳеч қачон чарчамаслиги керак.

* * *

Киши яхшилик қилишга қодир экан, қадр билмаслар билан тўқнашиш унга хавф солмайди.

* * *

Бировга яхшилик қилган киши ўзига яхшилик қилган бўлади, яхшиликдан яхшилик кутиб эмас, яхшилик учун яхшилик қилиш керак, чунки бундан одам битмас-туганмас ҳузур олади.

* * *

Бирор-бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади.

* * *

Бошқаларга шодлик ато этиш – энг ноёб шодликдир.

* * *

Яхшилик қилган чоғингда кўксинг тоғдек кўтарилиб, ғурурланасан, соф виждонли одамдагина шундай бўлади.

* * *

Бировга қилинган яхшилик кишини шуниси билан ром этадики, у шафаққа ўхшаб охири ўчиб кетмайди, қайтага янада ёрқинлашиб ўзимизга қайтиб келади.

**«Тафаккур гулшани» китобидан олинди.**

### Спорт

# НОВЫЙ СПОРТИВНЫЙ ЗАЛ ДЛЯ ГИРЕВИКОВ

***Два года назад при спонсорской поддержке у Федерации гиревого спорта Узбекистана в Ташкенте появился спортивный зал, оснащенный современными тренажерами, штангами и, конечно же, гирями всех весов. Теперь есть возможность приглашать на тренировочные сборы ведущих спортсменов из областей.***

Так, например, андижанская спортсменка, сержант-сверхсрочник, 7-кратный чемпион мира по гиревому спорту в весе 60 кг и мастер спорта международного класса по пауэрлифтингу Мухтарам Алиева очень довольна им и с удовольствием оттачивает в нем свое мастерство. К тому же ташкентская молодежь, глядя на нее, старается не отставать и перенимать у опытного гиревика мастерство. И что интересно, даже отрадно, это им удаётся – во Франции в 2014 году в июне Мухадамин Ходжаев в весе 75 кг стал бронзовым призёром Чемпионата мира, а в Узбекистане – 2-кратным чемпионом республики, его товарищи Шукрулло Тухтаев, Руслан Хосияткулов, Шахбоз Тухтабаев, Огабек Абдуллаев тоже стали призёрами чемпионата республики.

– Для меня, – говорит Мухтарам Алиева, – всегда представляли интерес крепкие и сильные люди. С удовольствием смотрела выступления знаменитых узбекских силачей – Тахира Адылжанова из города Андижана и





Турсун-Али из Ферганы. Хотелось тоже стать такой сильной. Перепробовала и футбол, и самбо, но остановилась потом на пауэрлифтинге, а теперь продолжаю тренироваться в гиревом спорте. Теперь не могу остановиться – не могу без спорта. Хорошо, что есть возможность заниматься в таком прекрасном спортзале. Спасибо человеку, предоставившему все удобства для тренировок.

**А. ПОПОВ.**
**Фото автора.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 5405 нусха.
Буюртма Г-958.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5